



О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI NAVOIY VILOYATI HOKIMINING QARORI

Navoiysh., IslomKarimovsh.k 77 A

2022 - yil 5 - avgust

158-5-0-Q/22

Navoiy viloyat hokimligi

Навоий вилояти ҳокимлигининг 2022 йил II ярим йиллик иш режасини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармонида белгиланган вазифалар, Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Ҳукумат қарорлари ва фармойишлари, халқ депутатлари вилоят Кенгаши қарорлари ижросини ҳамда ҳокимлик зиммасига юклатилган вазифаларнинг тўлақонли бажарилишини таъминлаш, ижро интизомини янада мустаҳкамлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг 2022 йил 11 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил II ярим йиллик иш режаси тўғрисида”ги 103-сонли баёни раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вилоят ҳокимлигининг 2022 йил II ярим йиллиги учун иш режаси 1-20-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидаги муҳим ҳужжатлар ижросини таъминлаш вилоят ҳокими ўринбосарлари, вилоят ҳокимлиги бошқарув аппарати бўлинмалари, вилоятдаги давлат бошқаруви органлари ва ташкилотларининг устувор вазифалари этиб белгилансин:

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “**Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили**”да амалга оширишга оид давлат Дастурида;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижро интизомини мустақкамлаш, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини самарали ташкил этишда барча даражалардаги раҳбарларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш бўйича 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон фармонида;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “**“Ijro.gov.uz”** ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарорларида;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 августдаги тадбиркорлар ҳамда 2022 йил 18 мартдаги соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан очиқ мулоқот шаклидаги учрашувларда сўзлаган нутқларида;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 ноябрдаги “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш бўйича видеоселектор йиғилишидаги нутқларида;

Давлатимиз раҳбарининг вилоятга ташрифидаги учрашувлар ва йиғилишларидаги маърузаларида;

Вилоят ҳокимлигининг Давлатимиз раҳбари ҳузуридаги ҳисоботлари бўйича 2022 йил ва келгуси йиллар учун топшириқлар баённомаларида;

Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Ҳукумат қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил II ярим йиллик учун иш режасидаги белгиланган вазифа ва топшириқлар ижросини доимий таъминлаб бориш.

4. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, маслаҳатчилари ва ёрдамчиларига вилоят бошқармалари, туман ва шаҳар ҳокимлари билан биргаликда:

вилоят ҳокимлигининг 2022 йил II ярим йиллиги учун иш режаси бажарилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари Ўзбекистон Республикаси

Президентининг Фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқларининг бажарилишини таъминлашда ижро интизомига қатъий риоя қилиш ва уни янада мустаҳкамлаш;

уч кун муддатда 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат Дастурида белгиланган вазифаларни бажариш бўйича кўшимча чора-тадбирларни амалга оширишга асосий эътиборни қаратган ҳолда бошқармалар ҳамда туман ва шаҳар ҳокимликларининг 2022 йил II ярим йиллиги учун иш режаларини тасдиқлаш;

доимий ва тизимли асосда – ҳокимликлар аппарати ва идоравий мансуб таркибий бўлинмаларда ижро интизомининг ҳолати танқидий ўрганиб чиқилишини (*ишлаб чиқилган режа-жадвалга мувофиқ*) таъминлаш;

2022 йил 31 декабрга қадар тегишли вилоят ҳокимлиги таркибий бўлинмалари, Ижро интизоми назорати бўлимига жорий йил II ярим йиллиги иш режасининг бажарилиши тўғрисидаги таҳлилий маълумотларни тақдим этилишини таъминлаш топширилсин.

5. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ёрдамчи ва маслаҳатчилари, таркибий бўлинмалар раҳбарлари, котибият мудирларига:

вилоят ҳокими ва унинг ўринбосарлари раҳбарлик қиладиган амалдаги комиссиялар (кенгашлар, ишчи гуруҳлар ва бошқалар) фаолиятини, уларнинг мақсадли вазифаларини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажарилишини ташкил қилиш;

ягона идоралараро ижро интизоми электрон тизими (ijro.gov.uz) орқали келиб тушган Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларининг ижросини ўз муддатида сифатли ва тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш, ушбу жараёнларда ҳужжатларнинг амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ тўғри расмийлаштирилишига алоҳида эътибор қаратиш;

2022 йил II ярим йиллик Иш режаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ҳукумати, вилоят ҳокими топшириқлари ҳамда функционал вазифалардан келиб чиққан ҳолда ойлик иш режаларини самарали ва оқилона режалаштириш чораларини кўриш;

комплекслар таркибига кирувчи бошқарма, корхона, ташкилот ва

муассасалар раҳбарлари, шаҳар, туман ҳокимликларининг ишлари режалаштирилишига, уларнинг ҳар ойлик иш режалари тасдиқланиши ва бажарилиши натижадорлигига нисбатан талабчанликни кучайтириш;

2022 йил 31 декабрга қадар вилоятдаги корхона, ташкилот ва муассасалар ҳамда шаҳар, туман ҳокимликлари билан биргаликда 2023 йил I ярим йиллик Иш режаси лойиҳасига таклифларни вилоят ҳокимлиги Ижро интизоми назорати бўлимига тақдим этиш топширилсин.

6. Вилоят ҳокимлиги Ижро интизоми назорати бўлими тегишли масъуллар билан биргаликда вилоят ҳокимлигининг 2022 йил II ярим йиллик Иш режаси бажарилиши мониторингини юритсин ва ҳар ой якуни билан вилоят ҳокимига ахборот киритиб борсин.

7. Белгилаб қўйилсинки, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ёрдамчи ва маслаҳатчилари, таркибий бўлинмалари раҳбарлари Иш режада белгилаб қўйилган вазифа ва масалаларнинг ўз вақтида тўлиқ бажарилишини таъминлаш бўйича шахсан масъулдирлар.

8. Ушбу қарор халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши тасдиғига киритилсин.

9. Мазкур қарор ижросининг назорати вилоят ҳокимининг ўринбосарлари ва вилоят ҳокимлигининг таркибий бўлинма раҳбарлари зиммаларига юклансин.

Вилоят ҳокими в.б.



Н.Турсунов

Navoiy viloyat hokimining
2022 yil 5 avgustdagi
158-5-0-Q/22-son qaroriga
1-ilova

**Навоий вилояти ҳокимининг 2022 йил II ярим йилликка мўлжалланган
ИШ РЕЖАСИ**

№	Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси.	Ижро муддати	Масъуллар: Вилоят ҳокимлиги таркибий бўлинма, ҳудудий давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари раҳбарлари ва мутахассислари.
I а. 2022 йил II ярим йилликда 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар дастуридан келиб чиқадиган устувор вазифалари			
1	2022-2026 - йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш.	Ҳар ой якуни билан	Т.Т.Атамуродов, Б.Н.Бобомуродов, К.А.Хасанов, А.А.Махмудалиев, Я.Р.Душанов, Ф.Э.Мусурманов, М.Т.Мамадиярова, С.Мирзаев, Ф.Яхшиликов, Ж.Ж.Бобомуродов халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар, Мониторинг гуруҳи, ҳудудий давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шаҳар ва туман ҳокимлари
2	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 июнь куни Ёшлар кунига бағишланган тантанали маросимидаги нутқида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқадиган ҳудудларни комплекс ривожлантириш, коммуникациялар, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасига тегишли вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш.	II ярим йилликда	Т.Т.Атамуродов, Б.Н.Бобомуродов, К.А.Хасанов, А.А.Махмудалиев, Я.Р.Душанов, Ф.Э.Мусурманов, М.Т.Мамадиярова, С.Мирзаев, Ф.Яхшиликов, Ж.Ж.Бобомуродов халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар, ҳудудий давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шаҳар ва туман ҳокимлари
3	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида ўтказилган йиғилиш баёнлари топшириқларини сўзсиз ва сифатли бажариш.	Доимий равишда	Т.Т.Атамуродов, Б.Н.Бобомуродов, К.А.Хасанов, А.А.Махмудалиев, Я.Р.Душанов, Ф.Э.Мусурманов, М.Т.Мамадиярова, С.Мирзаев, Ф.Яхшиликов, Р.Ҳ.Ҳайдаров, Ж.Ж.Бобомуродов, Ш.Намозов Ҳудудий давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари

№	Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси.	Ижро муддати	Масъуллар: Вилоят ҳокимлиги таркибий бўлинма, ҳудудий давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари раҳбарлари ва мутахассислари.
4	Ўзбекистон Республикаси “ Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида ”ги Қонуни талаблари ижросини таъминлашда шаҳар ва туман ҳокимларининг шахсий роли ва масъулияти тўғрисида.	Ҳар ҳафта	Т.Т.Атамуродов, Б.Н.Бобомуродов, К.А.Хасанов, А.А.Махмудалиев, Я.Р.Душанов, Ф.Э.Мусурманов, М.Т.Мамадиярова, С.Мирзаев, Ф.Яхшиликов, Ж.Ж.Бобомуродов, У.А.Шарипов, Қ.Абдуазизов таркибий бўлинмалар раҳбарлари, тегишли корхона, ташкилот ва муассасалар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари
5	Вилоят ҳокимлиги аппарати таркибий бўлинмалари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “ Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида ”ги ПФ-6166-сон Фармони ва 2021 йил 31 майдаги “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5132-сон қароридан келиб чиқадиган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш.	Ҳар ҳафта	Т.Т.Атамуродов, Б.Н.Бобомуродов, К.А.Хасанов, А.А.Махмудалиев, Я.Р.Душанов, Ф.Э.Мусурманов, М.Т.Мамадиярова, С.Мирзаев, Р.Ҳ.Ҳайдаров, Ж.Ж.Бобомуродов Ҳудудий давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари
6	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги “ Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида ”ги ПҚ-31-сон қарорида белгиланган устувор вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш.	Йилликда	Т.Т.Атамуродов, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси, шаҳар ва туманлар ҳокимлари
7	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 августдаги “ Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарлари ўринбосарларининг уларга юкланган вазифаларни бажаришда шахсий масъулиятини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида ”ги ПҚ-5230-сон қароридан келиб чиқадиган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш.	Ҳар чоракда	Т.Т.Атамуродов, Б.Н.Бобомуродов, К.А.Хасанов, А.А.Мамудалиев, Я.Р.Душанов, Ф.Э.Мусурманов, М.Т.Мамадиярова, С.Мирзаев, Р.Ҳ.Ҳайдаров, Ж.Ж.Бобомуродов Ҳудудий давлат ва хўжалик бошқаруви органлари

№	Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси.	Ижро муддати	Масъуллар: Вилоят ҳокимлиги таркибий бўлинма, ҳудудий давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари раҳбарлари ва мутахассислари.
8	Халқ депутатлари Кенгашларида доимий асосда фаолият юритувчи депутатлар корпусини шакллантириш ҳамда уларнинг ваколатларини кенгайтириш ва аниқ белгилаш орқали ҳудудий ижро органлари фаолиятининг назоратини кучайтириш.	II ярим йилликда	Ж.Ж.Ҳараев, Р.Ҳ.Ҳайдаров Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, Ҳудудий давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари
9	Олий Мажлис палаталарининг маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорлигини кучайтириш.	II ярим йилликда	Ж.Ж.Ҳараев, Р.Ҳ.Ҳайдаров Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, Ҳудудий давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари
10	Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларини демократик тамойиллар асосида шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда тажриба тариқасида 2 та туман ва шаҳарда ҳудудни ривожлантириш ва муаммоларни ҳал қилиш бўйича ҳокимликлар ваколат ва имкониятларини кенгайтириш.	II ярим йилликда	Т.Т.Атамуродов, Р.Ҳ.Ҳайдаров, Ж.Ж.Ҳараев Адлия бошқармаси, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, Ҳудудий давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари
11	Маҳаллаларнинг “ўсиш нуқталари” ва уларда яшовчи аҳолининг тадбиркорлик фаолиятидаги ихтисослашувидан келиб чиқиб, уларда истиқомат қилиб, фаолият юритувчи аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш.	II ярим йилликда	Т.Т.Атамуродов Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси, Молия бошқармаси, Савдо-саноат палатаси, шаҳар ва туманлар ҳокимлари
12	11 та туман ва шаҳарлар бўйича ишлаб чиқилган беш йиллик ҳудудий дастур ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш рейтинг кўрсаткичлари “қоникарсиз” бўлган шаҳар ва туманлар бўйича амалий чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш.	II ярим йилликда	Т.Т.Атамуродов, Б.Н.Бобомуродов, К.А.Хасанов, А.А.Мамудалиев, Я.Р.Душанов, Ф.Э.Мусурманов, М.Т.Мамадиярова, С.Мирзаев, Р.Ҳ.Ҳайдаров, Ж.Ж.Бобомуродов шаҳар ва туман ҳокимлари
13	Ҳудудларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш орқали кейинги беш йилда хизмат кўрсатиш ҳажмини 3 баробар га ошириш.	II ярим йилликда	Т.Т.Атамуродов далват ва хўжалик бошқаруви органлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари

№	Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси.	Ижро муддати	Масъуллар: Вилоят ҳокимлиги таркибий бўлинма, ҳудудий давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари раҳбарлари ва мутахассислари.
14	Реновация ва уй-жойлар дастурлари асосида шаҳарларда эскирган уйлар ўрнига замонавий уй-жойларни барпо этиш.	II ярим йилликда	Б.Н.Бобомуродов Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси, Қурилиш бошқармаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси, тегишли далват ва хўжалик бошқаруви органлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари
15	“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида ҳудудларнинг “ўсиш нуқталари”дан келиб чиқиб, муҳандислик коммуникация ва ижтимоий инфратузилма объектларини қуришга алоҳида эътибор қаратиш.	II ярим йилликда	Б.Н.Бобомуродов Қурилиш бошқармаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси, далват ва хўжалик бошқаруви органлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари
16	Республика аҳолисининг ичимлик сув билан таъминланганлик даражасини ошириш, шаҳар ва туман марказларида оқава сув тизимларини янгилаш	II ярим йилликда	Б.Н.Бобомуродов Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси, тегишли корхона ва ташкилотлар, шаҳар ва туманлар ҳокимлари
17	Ҳудудларда йўловчи ташиш транспорти тизимини такомиллаштириш ва унинг инфратузилмасини ҳамда транспорт ва логистика хизматлари бозори ва инфратузилмасини ривожлантириш.	II ярим йилликда	Б.Н.Бобомуродов Транспорт бошқармаси, Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси тегишли корхона ва ташкилотлар, шаҳар ва туманлар ҳокимлари
18	Эҳтиёжманд оилаларни уй-жой билан таҳминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар қўламини янада кенгайтириш ҳамда аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш тизимини янада яхшилаш.	II ярим йилликда	Г.Т.Атамуродов, Б.Н.Бобомуродов Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси, Қурилиш бошқармаси, Молия бошқармаси, далват ва хўжалик бошқаруви органлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари

№	Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси.	Ижро муддати	Масъуллар: Вилоят ҳокимлиги таркибий бўлинма, ҳудудий давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари раҳбарлари ва мутахассислари.
19	Қўшни давлатлар ва жаҳон жамоатчилиги билан биргаликда Орол денгизи ҳалокати оқибатида юзага келган экологик фожиалар таъсирини юмшатишга қаратилган ҳаракатларни қатъий давом эттириш.	II ярим йилликда	Т.Т.Атамуродов, Б.Н.Бобомуродов, К.А.Хасанов, А.А.Мамудалиев, Я.Р.Душанов, Ғ.Э.Мусурманов, М.Т.Мамадиярова, С.Мирзаев, Р.Ҳ.Ҳайдаров, Ж.Ж.Бобомуродов шаҳар ва туман ҳокимлари
20	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-31-сон қарорига мувофиқ ҳудудларда ҳоким ёрдамчиларининг ишлаш тизимини жорий этиш орқали аҳолининг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш.	Доимий равишда	Т.Т.Атамуродов Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси, шаҳар ва туман ҳокимлари
21	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини тасдиқлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини бошқаришни янги ёндашув ва механизмларини жорий этиш тўғрисида” ПҚ-72-сон қарори ижросини таъминлаш.	Доимий равишда	К.А.Хасанов Инвестиция ва ташқи савдо бошқармаси, тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шаҳар ва туман ҳокимлари
22	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 декабрдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-55-сонли қарорида белгилаб берилган устувор вазифаларнинг ўз вақтида сифатли бажарлигини таъминлаш.	II ярим йилликда	Т.Т.Атамуродов Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси, Марказий банк, шаҳар ва туман ҳокимлари

№	Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси.	Ижро муддати	Масъуллар: Вилоят ҳокимлиги таркибий бўлинма, ҳудудий давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари раҳбарлари ва мутахассислари.
23	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги “Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3182-сон ва 2019 йил 8 январдаги “Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4102 сон қарорига мувофиқ аҳоли ҳаёти сифати ва даражасини оширишга йўналтирилган маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ишини ташкил этиш шакллари ва усуллари тубдан такомиллаштириш бўйича.	Доимий равишда	Т.Т.Атамуродов, Б.Н.Бобомуродов, К.А.Хасанов, А.А.Махмудалиев, Я.Р.Душанов, Ғ.Э.Мусурманов, М.Т.Мамадиярова, С.Мирзаев, Ж.Ж.Бобомуродов Сектор раҳбарлари, Ҳудудий давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шаҳар ва туман ҳокимлари
I б. 2022 йил II ярим йилликда устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича таклифлар			
1	Маҳаллий кенгашлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга қаратилган “Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари регламенти тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш.	июль	Ж.Ж.Ҳамраев, Адлия бошқармаси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари
2	“Навоий вилоятининг Навоий шаҳри ва Кармана тумани чегараларини ўзгартириш билан боғлиқ қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш.	август	Б.Н.Бобомуродов халқ депутатлари вилоят Кенгаши, тегишли корхона ва ташкилотлар, тегишли шаҳар ва туман ҳокимликлари
3	Маҳаллий кенгашларнинг назорат функцияларини кенгайтириш, уларни тизимлаштириш мақсадида “Халқ депутатлари Кенгашлари назорати тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш.	сентябрь	Ж.Ж.Ҳамраев Адлия бошқармаси, таркибий бўлинма раҳбарлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари
4	Худудларни комплекс ривожлантиришга оид дастурлар ижроси мониторингини олиб боришнинг вақтинчалик тартибни ишлаб чиқиш.	сентябрь	Т.Т.Атамуродов, Б.Н.Бобомуродов, К.А.Хасанов, Я.Р.Душанов, С.Мирзаев Таркибий бўлинмалар раҳбарлари, тегишли корхона, ташкилот ва муассасалар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари

№	Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси.	Ижро муддати	Масъуллар: Вилоят ҳокимлиги таркибий бўлинма, ҳудудий давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари раҳбарлари ва мутахассислари.
5	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Навоий вилоятига ташрифига тайёргарлик кўриш.	II ярим йилликда	Т.Т.Атамуродов, Б.Н.Бобомуродов, К.А.Хасанов, А.А.Мамудалиев, Я.Р.Душанов, Ф.Э.Мусурманов, М.Т.Мамадиярова, С.Мирзаев, Р.Ҳ.Ҳайдаров, Ж.Ж.Бобомуродов тегишли корхона, ташкилот ва муассасалар, шаҳар ва туман ҳокимлари
6	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳудудларга мавзули сайёр мажлисларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳудудларда сайёр мажлисларини ташкил этиш.	II ярим йилликда	Т.Т.Атамуродов, Б.Н.Бобомуродов, К.А.Хасанов, А.А.Мамудалиев, Я.Р.Душанов, Ф.Э.Мусурманов, М.Т.Мамадиярова, С.Мирзаев, Р.Ҳ.Ҳайдаров, Ж.Ж.Бобомуродов тегишли корхона, ташкилот ва муассасалар, шаҳар ва туман ҳокимлари
7	“Йўл хариталари”да назарда тутилган тадбирлар амалга оширилишини бевосита таъминлаган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини делимитация, демаркация ва редемаркация қилиш масалалари бўйича қўшни давлатлар билан келишувларга эришиш ишларини давом эттириш.	II ярим йилликда	Вилоят ҳокими ўринбосарлари тегишли корхона, ташкилот ва муассасалар, шаҳар ва туман ҳокимлари
8	“Обод маҳалла” дастури доирасида Зарафшон шаҳридаги тегишли объектларда малга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ишларининг мониторингини юритиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритиш.	август	Б.Н.Бобомуродов Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси, тегишли корхона ва ташкилотлар, Зарафшон шаҳар ҳокимлиги
9	Ҳар ой якуни билан вилоят ҳокимлиги аппарат йиғилишида ижро интизомини сусайтириб юборган корхона ва ташкилотлар ҳамда шаҳар ва туман ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилишини таъминлаш.	Ҳар ой якуни билан	Р.Ҳ.Ҳайдаров, Ш.А.Намозов Корхона ва ташкилотлар, шаҳар ва туман ҳокимлари
10	Йўловчи ташиш транспорти тизимини		
II. 2022 йил I ярим йилликда белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича кўриладиган чоралар натижадорлиги таҳлиллари			
1	Ҳудудларда муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш бўйича амалга оширилётган ишларни таҳлил қилиш.	сентябрь	Б.Н.Бобомуродов, тегишли корхона, ташкилот ва муассасалар, шаҳар ва туман ҳокимлари

№	Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси.	Ижро муддати	Масъуллар: Вилоят ҳокимлиги таркибий бўлинма, ҳудудий давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари раҳбарлари ва мутахассислари.
2	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги ПҚ-4702-сон қарорига асосан 2021 йил якунлари бўйича тезкор статистик кўрсаткичлар ҳамда аҳоли ва тадбиркорлар ўртасида ўтказилган сўровномалар натижаларига кўра, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш рейтинг кўрсаткичлари “қониқарсиз” бўлган 2 та туманни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини таҳлил қилиш (<i>Учқудуқ ва Хатирчи туманлари</i>).	октябрь	Т.Т.Атамуродов тегишли корхона, ташкилот ва муассасалар, шаҳар ва туман ҳокимлари
3	Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг 2020 йил 22 октябрдаги 126-сон баёни билан тасдиқланган Зарафшон шаҳрида аниқланган муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлари режаси ижросини таҳлил қилиш.	сентябрь	Т.Т.Атамуродов, Б.Н.Бобомуродов, К.А.Хасанов, А.А.Мамудалиев, Я.Р.Душанов, Ф.Э.Мусурманов, М.Т.Мамадиярова, С.Мирзаев, Р.Ҳ.Ҳайдаров, Ж.Ж.Бобомуродов тегишли корхона, ташкилот ва муассасалар, Зарафшон шаҳар ҳокими
4	Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига “Е-қарор” электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 22 июндаги 390-сон қарори ижроси таҳлили.	ноябрь	У.А.Шарипов, Ф.С.Казаков Адлия бошқармаси тегишли корхона, ташкилот ва муассасалар, Зарафшон шаҳар ҳокими
5	2022 йил Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига мувофиқ объектларда амалга оширилаётган қурилиш-таъмирлаш ишлари натижадорлигини таҳлил қилиш.	II ярим йилликда	Т.Т.Атамуродов, Б.Н.Бобомуродов Я.Р.Душанов, Таркибий бўлинмалар раҳбарлари, тегишли корхона, ташкилот ва муассасалар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари
6	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “ Янги Ўзбекистон ” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 9 декабрдаги ПФ-32-сон Фармонини вилоятда бажарилишини таҳлил қилиш.	сентябрь	Т.Т.Атамуродов, Б.Н.Бобомуродов, К.А.Хасанов, Я.Р.Душанов, М.Т.Мамадиярова, Қурилиш бош бошқармаси, Кармана ва Қизилтепа туман ҳокимликлари
7	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 сентябрдаги “ Хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида ”ги ПФ-6318-сонли Фармони ижросинининг натижадорлигини таҳлил қилиш.	августъ	Т.Т.Атамуродов Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси, Марказий банк, тижорат банклари, шаҳар ва туман ҳокимликлари

№	Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси.	Ижро муддати	Масъуллар: Вилоят ҳокимлиги таркибий бўлинма, ҳудудий давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари раҳбарлари ва мутахассислари.
8	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги “ Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида ” ПФ-33-сон Фармони бажарилиши бўйича мутасадди раҳбарлар томонидан олиб борилаётган ишларни мақсадли ўрганиш.	сентябрь	Т.Т.Атамуродов, Б.Н.Бобомуродов, Таркибий бўлинмалар раҳбарлари, тегишли корхона, ташкилот ва муассасалар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари
III. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ижросини мақсадли ўрганиш ва натижасини кенгайтирилган йиғилишларда кўриб чиқиш			
1	Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 27 апрелдаги “ 2022-2026 йилларда Навоий вилояти ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида ”ги 217-сон қарори ижросини мақсадли ўрганиш	сентябрь	Т.Т.Атамуродов, Б.Н.Бобомуродов, К.А.Хасанов, А.А.Махмудалиев, Я.Р.Душанов, Ғ.Э.Мусурманов, М.Т.Мамадиярова, С.Мирзаев, Р.Х.Хайдаров, Ж.Ж.Бобомуродов Таркибий бўлинмалар раҳбарлари, тегишли корхона, ташкилот ва муассасалар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари
2	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сонли , 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сонли , 31 майдаги ПҚ-5132-сонли ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли қарорлари ижросини шаҳар ва туманлар, корхона, ташкилот ва муассасаларда ўрганиб, вилоят ҳокимлигида танқидий муҳокама этиб бориш, ижро интизомини мустаҳкамлашда хато ва камчиликларга йўл қўйган ходимларга нисбатан таъсирчан чоралар кўриш.	Ҳар ҳафта душанба куни	Т.Т.Атамуродов, Б.Н.Бобомуродов, К.А.Хасанов, А.А.Махмудалиев, Я.Р.Душанов, Ғ.Э.Мусурманов, М.Т.Мамадиярова, С.Мирзаев, Р.Х.Хайдаров, Ж.Ж.Бобомуродов Таркибий бўлинмалар раҳбарлари, тегишли корхона, ташкилот ва муассасалар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари
3	“ Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида ”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг вилоятдаги ижроси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “ виртуал ” қабулхонаси ва Навоий вилоятидаги “ Халқ қабулхона ”лари орқали, шунингдек, вилоят ҳокимлигига жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар билан ишлашнинг чораклик яқунлари ва ундан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида.	Ҳар чоракда	У.А.Шарипов, Қ.Абдуазизов Тегишли корхона, ташкилот ва муассасалар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари
4	“ Обод қишлоқ ” ва “ Обод маҳалла ” дастурларини амалга ошириш бўйича танқидий кўриб чиқиш.	март	Т.Т.Атамуродов, Б.Н.Бобомуродов Таркибий бўлинмалар раҳбарлари, тегишли корхона, ташкилот ва муассасалар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари

№	Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси.	Ижро муддати	Масъуллар: Вилоят ҳокимлиги таркибий бўлинма, ҳудудий давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари раҳбарлари ва мутахассислари.
5	Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 майдаги “2020-2022 йилларда Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳрини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 323-сон қарори ижросини мақсадли ўрганиш.	сентябрь	Т.Т.Атамуродов, Б.Н.Бобомуродов, К.Хасанов, Р.Ҳайдаров, Ж.Бобомуродов тегишли корхона, ташкилот ва муассасалар, шаҳар ҳокими
6	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги “Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3182-сон ва 2019 йил 8 январдаги “Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4102 сон қарорлари ижросини мақсадли ўрганиш.	Доимий равишда	Т.Т.Атамуродов, Б.Н.Бобомуродов, К.А.Хасанов, А.А.Махмудалиев, Я.Р.Душанов, Ф.Э.Мусурманов, М.Т.Мамадиярова, С.Мирзаев, Ж.Ж.Бобомуродов Сектор раҳбарлари, Ҳудудий давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шаҳар ва туман ҳокимлари
IV. Вилоят ҳокими ўринбосарлари ва таркибий бўлинма раҳбарларининг 2022 йил II ярим йилликда белгиланган ҳисоботларини тинглаб бориш			
1	2022/2023 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик қўриш ишларини ташкил этиш бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари раҳбарларининг шахсий масъулияти тўғрисида.	сентябрь	Б.Н.Бобомуродов тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шаҳар ва туман ҳокимлари
2	“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш борасида давлат ва хўжалик боқаруви органлари раҳбарлари ҳамда шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан кўрилаётган чоралар натижадорлиги тўғрисида.	сентябрь	Б.Н.Бобомуродов тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шаҳар ва туман ҳокимлари
3	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги “Республикада кўкаламзорлаштиришларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-46-сон Фармонига мувофиқ “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ижросини таъминлашда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари раҳбарларининг шахсий масъулияти тўғрисида.	октябрь	Б.Н.Бобомуродов, А.А.Махмудалиев тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шаҳар ва туман ҳокимлари

№	Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси.	Ижро муддати	Масъуллар: Вилоят ҳокимлиги таркибий бўлинма, ҳудудий давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари раҳбарлари ва мутахассислари.
4	2022-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритилган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш ишларини сифатли бажариш ва ўз муддатида фойдаланишга топшириш юзасидан давлат ва хўжалдик бошқаруви органлари ҳамда шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида.	октябрь	Т.Т.Атамуродов, Б.Н.Бобомуродов, тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шаҳар ва туман ҳокимлари
V. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва Ҳукумат қарорлари ижросини мақсадли ўрганиш			
1. Шаҳар, туман ҳокимликларида			
1	Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ҳукумати ва вилоят ҳокимининг ҳужжатлари, шунингдек ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган Дастурлар ижросини Конимех тумани ҳокимлигида комплекс ўрганиш.	июль	Ишчи гуруҳи Т.Т.Атамуродов, Б.Н.Бобомуродов, К.А.Хасанов, А.А.Махмудалиев, Я.Р.Душанов, Ф.Э.Мусурманов, М.Т.Мамадиярова, Р.Х.Хайдаров, Ж.Ж.Бобомуродов, Ш.Намозов, Р.Рўзиев,
2	Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ҳукумати ва вилоят ҳокимининг ҳужжатлари, шунингдек ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган Дастурлар ижросини Кармана тумани ҳокимлигида комплекс ўрганиш.	октябрь	Ишчи гуруҳи Т.Т.Атамуродов, Б.Н.Бобомуродов, К.А.Хасанов, А.А.Махмудалиев, Я.Р.Душанов, Ф.Э.Мусурманов, М.Т.Мамадиярова, Р.Х.Хайдаров, Ж.Ж.Бобомуродов, Ш.Намозов, Ф.Умаров
3	Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ҳукумати ва вилоят ҳокимининг ҳужжатлари, шунингдек ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган Дастурлар ижросини Зарафшон шаҳар ҳокимлигида комплекс ўрганиш.	ноябрь	Ишчи гуруҳи Т.Т.Атамуродов, Б.Н.Бобомуродов, К.А.Хасанов, А.А.Махмудалиев, Я.Р.Душанов, Ф.Э.Мусурманов, М.Т.Мамадиярова, Р.Х.Хайдаров, Ж.Ж.Бобомуродов, Ш.Намозов, Н.Раҳманов
2. Вилоят корхона, ташилот ва муассасаларида			

№	Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси.	Ижро муддати	Масъуллар: Вилоят ҳокимлиги таркибий бўлинма, ҳудудий давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари раҳбарлари ва мутахассислари.
4	Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ҳукумати ва вилоят ҳокимининг ҳужжатлари ижросини Халқ таълими бошқармасини комплекс ўрганиш.	август	Ишчи гуруҳи Т.Т.Атамуродов, Б.Н.Бобомуродов, К.А.Хасанов, А.А.Махмудалиев, Я.Р.Душанов, Ғ.Э.Мусурманов, М.Т.Мамадиярова, Р.Х.Хайдаров, Ж.Ж.Бобомуродов, Ш.Намозов, М.Шамуратов
5	Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ҳукумати ва вилоят ҳокимининг ҳужжатлари, шунингдек ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган Дастурлар ижросини Ёшлар ишлари агентлиги Навоий вилоят бошқармасини комплекс ўрганиш.	сентябрь	Ишчи гуруҳи Т.Т.Атамуродов, Б.Н.Бобомуродов, К.А.Хасанов, А.А.Махмудалиев, Я.Р.Душанов, Ғ.Э.Мусурманов, М.Т.Мамадиярова, Р.Х.Хайдаров, Ж.Ж.Бобомуродов, Ш.Намозов, А.Мухаммадиев
6	Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ҳукумати ва вилоят ҳокимининг ҳужжатлари, шунингдек ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган Дастурлар ижросини Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Навоий вилояти бўлимни комплекс ўрганиш.	декабрь	Ишчи гуруҳи Т.Т.Атамуродов, Б.Н.Бобомуродов, К.А.Хасанов, Я.Р.Душанов, Ғ.Э.Мусурманов, М.Т.Мамадиярова, Р.Х.Хайдаров, Ж.Ж.Бобомуродов, Ш.Намозов, Қ.Шукуров
Вилоят ҳокими раҳбарлигида ўтказиладиган асосий йиғилишлар ва тадбирлар			
1	Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофотларига тавсия этилаётган номзодларни кўриб чиқиш бўйича ишловчи вилоят комиссияси ишини ташкиллаштириш.	II ярим йилликда	Т.Т.Атамуродов, Б.Н.Бобомуродов, К.А.Хасанов, А.А.Махмудалиев, Я.Р.Душанов, Ғ.Э.Мусурманов, М.Т.Мамадиярова, С.Мирзаев, Р.Х.Хайдаров, комиссия азолари, Шаҳар ва туман ҳокимлари, ҳудудий давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари
2	Вилоят иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартирали турар-жой фондини 2022/2023 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни мувофиқлаштириш бўйича вилоят комиссияси йиғилишларини ташкил этиш.	Заруратга кўра	Т.Т.Атамуродов, Б.Н.Бобомуродов, Я.Р.Душанов, Шаҳар ва туман ҳокимлари, ҳудудий давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари
3	Ёшлар масалалари бўйича ҳудудий идоралараро Кенгаши йиғилишларини ташкиллаштириш.	Ҳар чоракда	Я.Р.Душанов, И.Ҳ.Рахматов, Б.З.Рузматов Ёшлар агентлиги вилоят бошқармаси, тегишли корхона, ташкилот ва муассасалар

№	Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси.	Ижро муддати	Масъуллар: Вилоят ҳокимлиги таркибий бўлинма, ҳудудий давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари раҳбарлари ва мутахассислари.
4	Вилоятда жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш дастури бажарилишини мувофиқлаштирувчи вилоят комиссияси	Заруратга кўра	С.Мирзаев Туризм ва спорт бошқармаси, комиссия аъзолари
5	Вилоят Маънавият ва маърифат Кенгаши йиғилишларини ўтказиш.	II ярим йилликда	Я.Р.Душанов Республика Маънавият тарғибот маркази Навоий вилоят бўлими раҳбари, шаҳар ва туман ҳокимликлари
6	Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича вилоят комиссиясининг йиғилишини чақириш.	Заруратга кўра	Вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш бўйича маслаҳатчиси
7	Болалар масалалари бўйича вилоят комиссияси йиғилишларини ташкил этиш.	Ҳар чорақда	М.Г.Нуфтуллаев Болалар масалалари бўйича вилоят комиссияси аъзолари, тегишли корхона, ташкилотлар
8	Фавқулудда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича ҳудудий комиссия йиғилишларини тайёрлаш ва ўтказиш.	Ҳар чорақда	У.А.Шарипов Фавқулудда вазиятлар бошқармаси, комиссия аъзолари
9	Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича вилоят комиссияси йиғилишларини ташкил этиш.	Заруратга кўра	Т.Т.Атамуродов, А.А.Махмудалиев, Шаҳар ва туман ҳокимлари, ҳудудий давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари
10	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Навоий вилоятидаги Халқ қабулхонасида жисмоний ва юридик шахсларнинг қабулини ҳамда ҳар ҳафтада вилоят ҳокими ўринбосарлари, вилоят бошқарма, корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларининг сайёр қабулларини ташкил этиш.	II ярим йилликда	Т.Т.Атамуродов, Б.Н.Бобомуродов, К.А.Хасанов, А.А.Махмудалиев, Я.Р.Душанов, Ғ.Э.Мусурманов, М.Т.Мамадиярова, С.Мирзаев, С.Ў.Шамшиев Халқ қабулхонаси, ҳудудий давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари
11	Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш бўйича комиссиясининг йиғилишини ўтказиш.	Ҳар чорақда	Я.Р.Душанов, У.А.Шарипов Ички ишлар бошқармаси
12	Одам савдосига қарши курашиш бўйича вилоят ҳудудий идоралараро комиссияси йиғилишини чақириш.	Ҳар чорақда	У.А.Шарипов, Х.К.Бибитов Комиссия аъзолари, тегишли корхона, ташкилот ва муассасалар

№	Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси.	Ижро муддати	Масъуллар: Вилоят ҳокимлиги таркибий бўлинма, ҳудудий давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари раҳбарлари ва мутахассислари.
13	Дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш учун лицензия бериш бўйича вилоят комиссияси йиғилишларини тайёрлаш ва ўтказиш.	Заруратга кўра	Т.Т.Атамуродов, Б.Н.Сайфиддинов Соғлиқни сақлаш бошқармаси, комиссия аъзолари
14	ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашишга доир тадбирларни мувофиқлаштириш бўйича вилоят комиссияси йиғилишларини тайёрлаш ва ўтказиш.	Ҳар чорақда	Я.Р.Душанов, И.Ҳ.Рахматов Санитария-эпидемиологик осойишталик маркази, Комиссия аъзолари
15	Миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжихатликни таъминлаш бўйича жамоатчилик кенгаши йиғилишларини ташкил этиш.	Заруратга кўра	Ғ.Э.Мусурмонов, Шаҳар ва туман ҳокимлари, ҳудудий давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари
16	Вилоят ҳокимлиги аппарати ва “ҳоким соати” йиғилишларини ташкил этиш.	Душанба куни	Т.Т.Атамуродов, Б.Н.Бобомуродов, К.А.Хасанов, А.А.Махмудалиев, Я.Р.Душанов, Ғ.Э.Мусурманов, М.Т.Мамадиярова, С.Мирзаев, Ж.Ж.Бобомуродов
17	Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияларини ташкил этиш.	Ҳар ойда, Заруратга кўра	Ж.Ж.Ҳамроев Халқ депутатлари вилоят Кенгаши комиссиялари

Навобий вилояти ҳокими раҳбарлик қиладиган комиссиялар РЎЙХАТИ

№	Комиссия ва кенгашлар номи	Идоралараро коллегиял органни (комиссия, кенгаш) ташкил қилишга асос бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат номи, рақами санаси	Мажлисларни ўтказиш муддатлари
1	Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотларига тавсия этилаётган номзодларни кўриб чиқиш бўйича ишловчи вилоят комиссияси.	Навобий вилояти ҳокимининг 2020 йил 12 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотларига номзодларни тақдим этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қ-97-сонли қарори.	Доимий, Заруриятга кўра

№	Комиссия ва кенгашлар номи	Идоралараро коллегиял органни (комиссия, кенгаш) ташкил қилишга асос бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат номи, рақами санаси	Мажлисларни ўтказиш муддатлари
2	Вилоят иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартиралли турар-жой фондини 2022/2023 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни мувофиқлаштириш бўйича вилоят комиссияси.	Навоий вилояти ҳокимининг 2021 йил 24 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги “Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартиралли уй-жой фондини 2021/2022 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 576-сонли қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 54-5-0-Q/21-сонли қарори.	Ҳар ойда
3	Ёшлар масалалари бўйича вилоят идоралараро Кенгаши.	Навоий вилояти ҳокимининг 2017 йил 7 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сонли Фармони ижросини таъминлаш ҳақида”ги Қ-246-сонли қарори.	Заруриятга кўра
4	Энергия самарадорлиги ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича ҳудудий комиссияси.	Навоий вилояти ҳокимининг 2019 йил 27 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 августдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4422-сонли қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги Қ-144-сонли қарори.	Заруратга кўра
5	Ер тўғрисидаги қонун бузилиши ҳолатларини барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олишга қаратилган фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши.	Навоий вилояти ҳокимининг 2021 йил 11 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6243 сон Фармони ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 9-5-0-Q/21-сонли қарори.	Заруриятга кўра
6	Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2024 йилда Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларида иштирок этишини сифатли ташкил этиш бўйича Навоий вилояти ҳудудий комиссияси.	Навоий вилояти ҳокимининг 2021 йил 16 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги “2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида”ги ПҚ-5281-сонли ижросини таъминлаш бўйича 75-5-0-Q/21-сонли қарори.	Заруратга кўра

№	Комиссия ва кенгашлар номи	Идоралараро коллегиял органи (комиссия, кенгаш) ташкил қилишга асос бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат номи, рақами санаси	Мажлисларни ўтказиш муддатлари
7	Туризм ва спортни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашининг Навоий вилояти ҳудудий комиссияси.	Навоий вилояти ҳокимининг 2017 йил 18 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3217-сон қарори” ижросини таъминлаш бўйича Қ-295-сонли қарори	Заруратга кўра
8	Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят Кенгаши.	Навоий вилояти ҳокимининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 декабрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5600-сон Фармони ижросини таъминлаш тўғрисида”ги Қ-396-сонли қарори.	Ҳар чоракда
9	Вилоят Маънавият ва маърифат Кенгаши.	Навоий вилояти ҳокимининг 2019 йил 7 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4307-сон қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги Қ-83-сонли қарори.	Ҳар чоракда
10	Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга кўмаклашиш бўйича вилоят комиссияси.	Навоий вилояти ҳокимининг 2019 йил 8 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги ПФ-5655-сонли Фармони ижросини таъминлаш ҳақида”ги Қ-23-сонли қарори.	Заруриятга кўра
11	Болалар масалалари бўйича вилоят комиссияси.	Навоий вилояти ҳокимининг 2021 йил 16 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6275-сонли Фармони ижросини таъминлаш ҳақида”ги 40-5-0-Q/21-сонли қарори.	Ҳар чоракда
12	Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш комиссияси.	Навоий вилояти ҳокимининг 2010 йил 22 январдаги “Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги наркотик моддаларни назорат қилиш минтақавий комиссиясининг янги тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қ-33-сонли қарори.	Ҳар чоракда

№	Комиссия ва кенгашлар номи	Идоралараро коллегиял органи (комиссия, кенгаш) ташкил қилишга асос бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат номи, рақами санаси	Мажлисларни ўтказиш муддатлари
13	Одам савдосига қарши курашиш бўйича вилоят ҳудудий Идоралараро комиссияси.	Навоий вилояти ҳокимининг 2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5775-сон Фармони ижросини таъминлаш тўғрисида”ги Қ-126-сонли қарори.	Ҳар чоракда
14	Фавқулудда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича ҳудудий комиссияси.	Навоий вилояти ҳокимининг 2017 йил 3 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июндаги “Фавқулудда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5066-сон Фармони ижросини таъминлаш тўғрисида”ги Қ-198-сонли қарори.	Ҳар чоракда
15	Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш бўйича жамоатчилик кенгаши.	Вилоят ҳокимининг 2020 йил 20 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 ноябрдаги “Миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш бўйича жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 723-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги Қ-156-сонли қарори	Ҳар чоракда
16	Дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш учун лицензия бериш бўйича вилоят комиссияси.	Навоий вилояти ҳокимининг 2017 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 майдаги “Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 284-сонли қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги Қ-171-сонли қарори.	Заруриятга кўра
17	Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа аҳволини ўрганишнинг янги механизмларини жорий этиш бўйича вилоят комиссияси.	Вилоят ҳокимининг 2017 йил 11 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги “Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3182-сон қарори ижросини таъминлаш ҳақида	Заруратга кўра

№	Комиссия ва кенгашлар номи	Идоралараро коллегиял органи (комиссия, кенгаш) ташкил қилишга асос бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат номи, рақами санаси	Мажлисларни ўтказиш муддатлари
18	ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашишга доир тадбирларни мувофиқлаштириш бўйича вилоят комиссияси.	Навоий вилояти ҳокимининг 2014 йил 15 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 сентябрдаги “2014-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 255-сонли қарорининг ижросини таъминлаш ҳақида”ги Қ-134-сонли қарори.	Ҳар чорақда
19	Вилоятда жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш дастури бажарилишини мувофиқлаштирувчи вилоят комиссияси.	Навоий вилояти ҳокимининг 2017 йил 8 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3031-сонли қарорининг ижросини таъминлаш тўғрисида”ги Қ-212-сонли қарори.	Заруратга кўра
20	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Халқ саломатлиги Миллий Кенгашининг Навоий вилояти ҳудудий комиссияси.	Навоий вилояти ҳокимининг 2019 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ҳузуридаги Халқ саломатлиги Миллий Кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 15 майдаги 409-сон қарори” ижросини таъминлаш бўйича 06-06/323-сонли йиғилиш баёни.	Заруратга кўра
21	Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича вилоят комиссияси.	Навоий вилояти ҳокимининг 2019 йил 18 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 апрелдаги “Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 300-сонли қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги Қ-72-сонли қарори.	Ҳар чорақда

Navoiy viloyat hokimining
2022 yil 5 avgustdagi
158-5-0-Q/22-son qaroriga
2-ilova

**Вилоят ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари,
Иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари котибиятининг 2022 йил II-ярим йилликка мўлжалланган
ИШ РЕЖАСИ**

№	Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси.	Ижро муддати	Масъуллар: Вилоят ҳокимлиги таркибий бўлинма, ҳудудий давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари раҳбарлари ва мутахассислари.
2022 йил II-ярим йилликда Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисига Мурожаатномалари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар дастуридан келиб чиқадиган устувор вазифалари			
1.	Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026- йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини “ Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили ” да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифаларни ўз вақтида амалга ошириш.	Иккинчи ярим йилликда	Комплекс таркибига кирувчи ташкилот ва муассасалар, шаҳар, туман ҳокимликлари Б.Н.Сайфиддинов, Ф.Н.Мардонов, О.А.Нурмаматов, А.М.Қодиров
